



Three men in suits are standing behind a podium. The man in the center is speaking into a microphone. The podium features a logo with the text 'ECONOMY' and 'GROWTH'.



Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 13 май куни Хамкорлик бўйича Ўзбекистон - Хитой ҳукуматлари раҳбарларига ўзаро навбатдаги йиғилишига иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Лю Гочжун бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Миннатдорлик

**КАСАБА УЮШМАЛАРИГА
РАҲМАТ!**



«Мен 28 йиллик иш тажрибасига эга ҳамшираман. Олти йил аввал бош миямда мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилганини сабабли бундан буён мунтазам довланиб юришим керак. Яқинда менга касба уюшмаларидан кўнғироқ қилиб, «Кўҳинур» санаторийсига довланишим учун йўланма ажратилганини айтишди. Бундан гоят қувондим.

Айниқса, санаторийнинг барча замонавий ш-роитларга эга экани ҳамда асосан асаб ва кар-диологик касалликларни даволашга ихтисос-лашгани айтиш мумкин бўлди.

Санаторий соғлиғимни янада мустаҳкамла-
шимга ёрдам беради, деб ўйлайман. Йўлланма
ажратгани учун касабга уюшмаларига раҳмат!»

**Ҳар йили дунёда 12 май
Халқаро ҳамширалар
куни сифатида кенг ни-
шонланади. Юртимизда
ҳам бу санада ўрта
тиббӣёт ходимлари-
нинг заҳматли меҳнати
эътироф этилади, уларга
ҳурмат-эҳтиром кўрса-
тилади.**

Маълумки, сана муноса-
баги билан Соғлиқни сақлаш
вазирлиги, Соғлиқни сақлаш
ходимлари касоба уюмлари
Республика кенгаши ҳамда
Ҳамширалар Ассоциацияси
томонидан 28 ёшгача бўлган
ҳамширалар ўртасида «Ҳам-
шира» кўрик-танлови, 28 ёш-
дан катталар ўртасида эса
«Йилнинг энг яхши ўрта тиб-
биёт ва фармацевтика ходими»
танлови ўтказиб келинади.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида танловнинг бу йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир аввалида Соғлиқни сақлаш вазирини в.б. Асилбек Худоёров ва Соғ-

МЕҲРИДАРЁ ҲАМШИРАЛАРГА ЭҲТИРОМ



лиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапиев ўрта табиёт ходимларини халқаро ҳамширалар куни билан муборакбод этишди.

Тадбирда даставвал 15 та номинатсия бўйича ва «Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими» танловининг биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиб-

ларига эсдалик совғалари
топширилди.

Шундан сўнг, энг хаяжонли лахзаларда «Ҳамшира - 2024» танловининг республика босқичи ғолиблари эълон қилинди. Беллашувнинг худудий босқичларида биринчи ўринни кўлга киритган 15 нафар соҳа ходими орасидан шаффоф ҳамда адолатли шарт ва ме-

зонлар асосида саралаб
олинган уч нафар ҳамшира
ғолиб топилиб муносиб тақ-
дирланди.

Ташкент вилояти Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими ҳамшираси Назокат Мирсаъдиева биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими

навбатчи ҳамшираси Хулқар Қозокбоева иккинчи ва Андижон вилояти Пахтабод тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими ҳамшираси Озодахон Кимсанова учинчи ўринни эгаллашди.

**Гулрухбегим
ОДАШБОЕВА,
Қувончбек ТЎРАЕВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари**

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ
ЭНГ КҮП
БУЗИЛАЭТТАН СОҲАЛАР

Камбагал-
лики қисқар-
тириш ва
бандлик ва-
зирлиги
меҳнат қон-
унчилиги
қайси соҳа-
ларда энг кўп
бузилаётгани
тўғрисида
маълумот
берди.
Вазирлик
2024 йил-
нинг январь-
апрель ойи
давомида
қайд этилган
ҳолатларни
таҳлил қилиб
қўйди.

Маълум қилинишича, меҳнат қонунчилигининг энг кўп бузилиши халқ таълим муассасаларида кузатилган –

5 612 Ta



Ундан кейинги ўринда мактабгача таълим маъсасаларида шундай қонунбузилиш ҳолатлари кўп бўлган -

2 173 T

Совлиқни сақлаш
вазирлиги ти-
зимида меҳнат
қонунчилиги бу-
зилиши билан

1 215 ta



Курилиш
ташкilotларида -

266 Та

Кун маълумоти
Қишлоқ
хўжалигида

452 Та
ҳолат қайд этилган.



<https://t.me/mehnatvazirligi>

Сурхондарё вилояти

Ҳуқуқ

Термизлик Анвар Рўзиев Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат қилиб, суд муҳокамаси пайтида қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўради. Унинг аризаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 45-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилди.

РЎЗИЕВ СУДДА ЮТДИ

Аниқланишича, Анвар Рўзиев 2017 йилда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармасида меҳнат фаолиятини бошлаган. 2020 йил 5 мартда эса вилоят ҳокими қарорига асосан Транспорт бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланган. Аммо орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтар-ўтмас, Президентнинг 2023 йил 14 июндаги «Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониға асосан, Транспорт вазирлиги 2023 йил 18 августда Анвар Рўзиевни ўзаро тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирган. Ушбу муддат тугагач, у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми, 2-бандига кўра 2023 йил 19 сентябрдан бошлаб бекор қилган. Шундан сўнг А.Рўзиев меҳнат низоси юзасидан Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилган.

Муҳокама жараёнида аниқланишича, иш берувчи – Транспорт вазирлиги А.Рўзиев билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор ҳатоликларга йўл қўйган. Жумладан, меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин бўш турган лавозимларни тақлиф этмаган, яъни вазирлик тизимида ҳамда ҳудудий бошқармаларда бўш иш ўринлари бўлса-да, иш билан таъминлаш чораларини кўрмасдан, Меҳнат кодексининг 144-моддаси талабларига риоя қилмаган. Шунингдек, иш берувчи меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилишда бошланғич касабa уюшма кўмитаси розилигини олмасдан, қонун талабини қўпол равишда бузган.

Узоқ тортишувлардан сўнг, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда камчиликларга йўл қўйилганини тан олди ва тарафлар келишувига эришилди. Шу тариқа Транспорт вазирлиги ҳузуридаги транспорт назорати инспекциясининг 2024 йил 23 январдаги тегишли буйруғига асосан, Анвар Рўзиев автомобиль ва сув транспортида назорат бошқармаси етакчи мутахассиси лавозимига ишга қабул қилинди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касабa уюшмалари
Федерациясининг
Сурхондарё вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Фарғона вилояти

КАСАБА УЮШМАСИ РОЗИЛИК БЕРМАДИ

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 30 январдаги «Хизмат автотранспорт воситаларини тартибга солиш, паст самарали штат бирликларини мақбуллаштириш ва қозғос сарфини тартибга солиш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ штат бирликлари қисқариши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва молия бошқармаси бошлиғи Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига тақдимнома киритиб, Қува-сой шаҳар иқтисодиёт ва молия бўлими хўжалик ишлари мудири-кассирлари ҳамда бўлими бошланғич касабa уюшма кўмитаси раиси Умида Усмонованинг иш ўрнини қисқартиришга тушгани сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 161-моддаси, 2-қисми, 2-бандига асосан бекор қилишга розилик беришни сўраган.

Ушбу тақдимнома Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоят кенгаши Ижроия кўмитасининг йиғилишида кўриб чиқилди. Натижада, Қувасой шаҳар иқтисодиёт ва молия бўлими хўжалик мудири-кассирлари Умида Усмонованинг ҳозирда қарамоғида 3 ёшга тўлмаган фарзанди борлиги, ушбу ҳолат Меҳнат кодексининг 409-моддасига зид эканлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилмади.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касабa уюшмалари
Федерацияси Фарғона вилояти
кенгаши бош мутахассиси

Тошкент шаҳри

Акция

НУРОНИЙЛАР АРДОҚДА

Таълим ва фан ходимлари касабa уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши «Касаба уюшмаси фахрийларга» акциясини ташкил этиб, таълим ва касабa уюшмаси тизимида кўп йиллар меҳнат қилган, айни замонда қарилык гаштини сураётган қатор отахону онахонларни йўқлади.

Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида фронт ва фронтортида хизмат қилган инсонларга бағишлаб, «Хотира – муқаддас» номли тadbир ташкил этилди. Университетнинг фахрий ўқитувчи ва мураббийларига эсдалык совғалари топширилди.

– Бугунги сиёсатимизнинг асосий тамойили – инсон қадрини улуғлаш, унга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, – деди Таълим ва фан ходимлари касабa уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдухалил Раҳмонов. – Айниқса, турли соҳада кўп йиллар самарали меҳнат қилган фидойи ватандошларимизни унутмай, уларга мадад бериш муҳим аҳамиятга эга.

Амир АҲМЕДОВ

Қашқадарё вилояти

Спортга ошно оилалар

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабa уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» шиори остида вилоят спартакиадаси ташкил этилди.

Унда тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари бир қанча шартлар бўйича ўзаро мусобақалашди.

Якунда Қашаши туманидаги 2-каб-хунар мактаби бош устаси Акрам Жалилов оиласи биринчи, 2-максус механизациялашган кўчма жамланмаси вакили Рамил Гафуров оиласи иккинчи, «SofGO» хизмат кўрсатиш МЧЖ ишчиси Азизбек Хайдаров оиласи учинчи ўрин соҳибига айланишди.

Шунингдек, Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси ходими Нуриддин Худойбердиев «Энг қаққон ота», қашашилик Дилафрўз Абдурахмонова «Энг фаол она», чирокчилик Убайдуллаевлар оиласи «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», жажжи спортсевар Хадичабону Зиёдуллаева эса «Энг эпчил бола» номинациясида ғолиб деб топилди.

Барча ғолиб ва совриндорлар тармоқ касабa уюшмаси вилоят кенгашининг эсдалык совғалари билан тақдирланди.

– Спортга ошно инсон соғлом бўлади, унинг руҳиятига тушқунлик, чарқоқ бегонадир, – деди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабa уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Боймурод Мейлиев. – Бугунги шижоатли оилаларни кўриб, бундан 20 йил муқаддам ўтган республика спартакиадаси ёдимга тушди. Ўшанда оилам билан Тошкент вилоятида ўтган «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» мусобақасида иштирок этган эдик. Спортсевар фарзандларим ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишди, аммо улар спорт билан мунтазам шўғулланишдан воз кечганларни йўқ. Ўзим ҳам чарчаш нималигини билмайман. Бу – спортнинг фойдаси. Истардимки, юртимизда спортсевар оилалар кўпайса...

Мусобақада энг кўп очко жамғарган қашашилик Акрам Жалилов оиласи энди баҳсларнинг республика босқичида иштирок этади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Намунали фаолият эътирофи

Гулистон давлат университетига Гулистон шаҳар Фавқуллода вазиятлар бўлими мутахассислари томонидан ўтказилган кўргазмали семинар йиғилганлар учун жуда фойдали бўлди.

Университет касабa уюшма кўмитаси раиси Абдурахмон Юсуфалиев Меҳнат кодексининг 211-моддасига кўра, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши, бу иш берувчининг мажбурияти экани, Меҳнат кодексининг 30 дан ортиқ моддаси меҳнат муҳофазаси масалаларига бағишлангани ҳақида маълумот берди.

Тadbир асносида Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ширинхон Умаралиева мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар чуқурлашаётган бир шароитда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари ҳақида гапирар экан, янги қонунлар қабул қилиш, уларга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Кенгашининг меҳнат техник инспектори Абдукамол Ҳакимов эса кичик бир эътиборсизлик туфайли келиб чиққан бахтсиз ҳодиса инсон саломатлигига путур етказиш билан бирга, моддий зарарга ҳам сабаб бўлишини мисоллар билан тушунтирди.

Тadbирда Гулистон шаҳар Фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғи Асрор Газихўжаев сўзга чиқиб, университет ўқув бинолари, талабалар тураржойларида фавқуллода вазиятлар содир бўлганда, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, хавфсизлик чораларини қўллаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш ва ўргатиш бўйича махсус дастурларни мажбурий фан сифатида жорий этиш, ишчи-хизматчиларни фавқуллода вазиятларда қутқарув чораларини қўллаш бўйича ўқитиш ишларини кучайтириш, табиий офатлар хавфини қамайтириш тadbирларига жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларига жиддий эътибор қаратиш борасида батафсил тўхталди.

Ишлаб чиқариш технологиялари факультети қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари кафедраси доценти, фалсафа фанлари доктори Равшан Раҳматуллаев

Андижон вилояти

Мақсад – хавфсиз меҳнат шароитини яратиш

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашида «Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири» шиори остидаги давра суҳбати ҳамда Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тadbирни Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси Қодиржон Парпиев кириш сўзи билан очиб, вилоят кенгашида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди ҳамда қилиниши керак бўлган вазифаларга эътибор қаратди. Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабa уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Анвар Аҳмедовнинг Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири қисқартириш ва Бандлик бош бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник

Маданият

Фахрийлар эъзозланди

«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касабa уюшмаси кўмитаси тизимда йиллар давомида муносиб меҳнат қилган фахрийларни Ўзбек миллий академик драма театрида намойиш этилган «Юлдузли тунлар» спектаклига юборди.

Шундан сўнг фахрийлар учун байрам дастурхони тузалди, совға-саломлар тарқатилди.

– Халқимиз учун газ соҳасида яратилган кўп қулайликларни кўриб, хурсанд бўляпмиз, – дейди меҳнат фахрийси Нигора Исмоилова. – Анчадан буён кўрмаган ҳамкасбларимиз билан дийдорлашганимиздан бошимиз осмонга етди.

Сал аввалроқ бошланғич касабa уюшмаси моддий ёрдамга муҳтож ишчи-ходимлар ва пенсионерлар ҳолидан хабар олган эди. Зеро, ташкилот масъуллари ходимлар саломатлигини асраш, уларни қўллаб-қувватлаш, фахрийларни эъзозлаш ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишини яхши билишади.

Гўзал МАҲМАДАЛИЕВА,
«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти
филиали бошланғич касабa уюшмаси ходими

Семинар

Давра суҳбати

Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири» мавзусидаги чиқиши барчада катта қизиқиш уйғотди. Кетма-кет берилган саволлар, баҳс-мунозаралардан маълум бўлдики, ҳеч ким эртанги кунга, келажакка бефарқ эмас.

Намунали фаолият олиб бораётган ходимлардан бир гуруҳи эсдалык совғалари ва касабa уюшма кўмитасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

2

Ishonch

DAVR

Xush durur bog'u koinot guli,
Barchadin yaxshiroq hayot guli.

Alisher Navoiy

2024-YIL 14-MAY,
SESHANBA
№ 60 (4968)

Тошкент шаҳри

Акция

НУРОНИЙЛАР АРДОҚДА

Таълим ва фан ходимлари касабa уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши «Касаба уюшмаси фахрийларга» акциясини ташкил этиб, таълим ва касабa уюшмаси тизимида кўп йиллар меҳнат қилган, айни замонда қарилык гаштини сураётган қатор отахону онахонларни йўқлади.

Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида фронт ва фронтортида хизмат қилган инсонларга бағишлаб, «Хотира – муқаддас» номли тadbир ташкил этилди. Университетнинг фахрий ўқитувчи ва мураббийларига эсдалык совғалари топширилди.

– Бугунги сиёсатимизнинг асосий тамойили – инсон қадрини улуғлаш, унга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, – деди Таълим ва фан ходимлари касабa уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдухалил Раҳмонов. – Айниқса, турли соҳада кўп йиллар самарали меҳнат қилган фидойи ватандошларимизни унутмай, уларга мадад бериш муҳим аҳамиятга эга.

Амир АҲМЕДОВ

Қашқадарё вилояти

Спортга ошно оилалар

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабa уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» шиори остида вилоят спартакиадаси ташкил этилди.

Унда тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари бир қанча шартлар бўйича ўзаро мусобақалашди.

Якунда Қашаши туманидаги 2-каб-хунар мактаби бош устаси Акрам Жалилов оиласи биринчи, 2-максус механизациялашган кўчма жамланмаси вакили Рамил Гафуров оиласи иккинчи, «SofGO» хизмат кўрсатиш МЧЖ ишчиси Азизбек Хайдаров оиласи учинчи ўрин соҳибига айланишди.

Шунингдек, Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси ходими Нуриддин Худойбердиев «Энг қаққон ота», қашашилик Дилафрўз Абдурахмонова «Энг фаол она», чирокчилик Убайдуллаевлар оиласи «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», жажжи спортсевар Хадичабону Зиёдуллаева эса «Энг эпчил бола» номинациясида ғолиб деб топилди.

Барча ғолиб ва совриндорлар тармоқ касабa уюшмаси вилоят кенгашининг эсдалык совғалари билан тақдирланди.

– Спортга ошно инсон соғлом бўлади, унинг руҳиятига тушқунлик, чарқоқ бегонадир, – деди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабa уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Боймурод Мейлиев. – Бугунги шижоатли оилаларни кўриб, бундан 20 йил муқаддам ўтган республика спартакиадаси ёдимга тушди. Ўшанда оилам билан Тошкент вилоятида ўтган «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» мусобақасида иштирок этган эдик. Спортсевар фарзандларим ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишди, аммо улар спорт билан мунтазам шўғулланишдан воз кечганларни йўқ. Ўзим ҳам чарчаш нималигини билмайман. Бу – спортнинг фойдаси. Истардимки, юртимизда спортсевар оилалар кўпайса...

Мусобақада энг кўп очко жамғарган қашашилик Акрам Жалилов оиласи энди баҳсларнинг республика босқичида иштирок этади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Намунали фаолият эътирофи

Гулистон давлат университетига Гулистон шаҳар Фавқуллода вазиятлар бўлими мутахассислари томонидан ўтказилган кўргазмали семинар йиғилганлар учун жуда фойдали бўлди.

Университет касабa уюшма кўмитаси раиси Абдурахмон Юсуфалиев Меҳнат кодексининг 211-моддасига кўра, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши, бу иш берувчининг мажбурияти экани, Меҳнат кодексининг 30 дан ортиқ моддаси меҳнат муҳофазаси масалаларига бағишлангани ҳақида маълумот берди.

Тadbир асносида Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ширинхон Умаралиева мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар чуқурлашаётган бир шароитда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари ҳақида гапирар экан, янги қонунлар қабул қилиш, уларга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Кенгашининг меҳнат техник инспектори Абдукамол Ҳакимов эса кичик бир эътиборсизлик туфайли келиб чиққан бахтсиз ҳодиса инсон саломатлигига путур етказиш билан бирга, моддий зарарга ҳам сабаб бўлишини мисоллар билан тушунтирди.

Тadbирда Гулистон шаҳар Фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғи Асрор Газихўжаев сўзга чиқиб, университет ўқув бинолари, талабалар тураржойларида фавқуллода вазиятлар содир бўлганда, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, хавфсизлик чораларини қўллаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш ва ўргатиш бўйича махсус дастурларни мажбурий фан сифатида жорий этиш, ишчи-хизматчиларни фавқуллода вазиятларда қутқарув чораларини қўллаш бўйича ўқитиш ишларини кучайтириш, табиий офатлар хавфини қамайтириш тadbирларига жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларига жиддий эътибор қаратиш борасида батафсил тўхталди.

Ишлаб чиқариш технологиялари факультети қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари кафедраси доценти, фалсафа фанлари доктори Равшан Раҳматуллаев

Андижон вилояти

Мақсад – хавфсиз меҳнат шароитини яратиш

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашида «Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири» шиори остидаги давра суҳбати ҳамда Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тadbирни Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси Қодиржон Парпиев кириш сўзи билан очиб, вилоят кенгашида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди ҳамда қилиниши керак бўлган вазифаларга эътибор қаратди. Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабa уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Анвар Аҳмедовнинг Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири қисқартириш ва Бандлик бош бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат техник

Маданият

Фахрийлар эъзозланди

«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касабa уюшмаси кўмитаси тизимда йиллар давомида муносиб меҳнат қилган фахрийларни Ўзбек миллий академик драма театрида намойиш этилган «Юлдузли тунлар» спектаклига юборди.

Шундан сўнг фахрийлар учун байрам дастурхони тузалди, совға-саломлар тарқатилди.

– Халқимиз учун газ соҳасида яратилган кўп қулайликларни кўриб, хурсанд бўляпмиз, – дейди меҳнат фахрийси Нигора Исмоилова. – Анчадан буён кўрмаган ҳамкасбларимиз билан дийдорлашганимиздан бошимиз осмонга етди.

Сал аввалроқ бошланғич касабa уюшмаси моддий ёрдамга муҳтож ишчи-ходимлар ва пенсионерлар ҳолидан хабар олган эди. Зеро, ташкилот масъуллари ходимлар саломатлигини асраш, уларни қўллаб-қувватлаш, фахрийларни эъзозлаш ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишини яхши билишади.

Гўзал МАҲМАДАЛИЕВА,
«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти
филиали бошланғич касабa уюшмаси ходими


Семинар

Давра суҳбати

Иқлим ўзгаришининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига таъсири» мавзусидаги чиқиши барчада катта қизиқиш уйғотди. Кетма-кет берилган саволлар, баҳс-мунозаралардан маълум бўлдики, ҳеч ким эртанги кунга, келажакка бефарқ эмас.

Намунали фаолият олиб бораётган ходимлардан бир гуруҳи эсдалык совғалари ва касабa уюшма кўмитасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИЛСА...

САВОЛ: - Ходимнинг ўзи хабардор қилинмаган ҳолда ҳамда унинг иштирокисиз (масалаи, меҳнат таътили ёки бирор касаллик сабаб ишга чиқмаётган даврда) унга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш мумкинми?

Севара ИНОҒОМОВА

Бектемир тумани

ЖАВОБ: - Амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига кўра, ходимни хабардор қилмасдан туриб, унга нисбатан хизмат текшируви ўтказилмайди.

Зеро, Меҳнат кодексининг 303-моддасига мувофиқ, хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги, шунингдек, уни ўтказиш бўйича комиссия тузиш ҳақидаги қарор иш берувчи томонидан қабул қилинади ва ушбу қарор тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

Шундан сўнг ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган ходим иш берувчининг хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги буйруғи ҳамда хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан имзо қўйдириб таништирилиши керак.

Булардан ташқари, қонунда ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга хизмат текшируви билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқлар берилган ҳамда унинг зиммасига муайян мажбуриятлар ҳам юклатилган.

Хусусан, ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим хизмат текшируви нима сабабли ўтказилаётганини билишга, қо-

миссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилишга, хизмат текшируви масалалари бўйича ёзма тушунтиришлар ва илтимосномалар беришга, хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар ва ашёвий далилларни ҳамда гувоҳларни уларни сўровдан ўтказиш учун тақдим этишга, хизмат текшируви материаллари ва унинг натижалари ҳақидаги далолатнома билан танишишга, улардан кўчирмалар, кўчирма нусхалар олишга, комиссиянинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ўзига берилган ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши, хизмат текшируви ўтказилишига монелик қилмаслиги, шу жумладан, хизмат текширувида иштирок этишдан бўйин товламаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш йўли билан монелик қилмаслиги шарт.

Хуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

МУЗЕЙ КЎНГИЛОЧАР МАСКАН ЭМАС

Хотира ва қадрлаш куни арафасида ЎзЖОКУда таҳсил олаётган бир гуруҳ талабалар «Ойбек уй-музеи»га бордик. Устозимиз Муслимбек Йўлдошев бошчилигида Тошкентдаги театр ва музейларга бориш аллақачон анъанага айланган. Бу каби маънавий озуқа берадиган жойларда бўлиш бўлажак журналистларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларни янада теранроқ фикрлашга ундайди.

Янгиариқ маҳалласи, Ифтихор 1-тор кўчаси бўйлаб борар эканмиз, қаршимиздан пештокига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган уй-музей чикди. Кенг ва шинам ҳовлида энг биринчи бўлиб, гуллаган дарахтлар ортидаги Ойбек ҳайкалига кўзим тушди. Ҳайкал маҳорат билан ишланган.

Уй-музей биноси икки қаватдан иборат экан. Унда академик Ойбек ва унинг рафиқаси, биринчи ўзбек кимёгар олимаси – Зарифа Саидносирова ҳамда ўғиллари, кимё фанлари доктори Суюн Тошмуҳамедов ҳақида маълумотлар бор. Музейда жами 10 мингдан ортиқ экспонатлар бўлиб, улар асосан қўлёзмалар, фотосуратлар, уй жиҳозлари ва санъат асарларидан иборат экан.

Музей ходимаси Гулчеҳра Шокирова экспонатлар билан таништирар экан, бу даргоҳга йилига ўртача 12 мингдан ортиқ киши келишини айтди. Бироқ сўнгги пайтларда баъзиларнинг ҳулқ-атвори, жамоат жойларда ўзини тутиш маданияти ходимларнинг эътирозига сабаб бўлаётганини ҳам таъкидлади.

Гулчеҳра опа куюниб, шундай деди:

– Музейлар тарихий ва маънавий ёдгорликлар сақланадиган, ўтмишни ўрганадиган, ўша давр руҳини ҳис қилдирадиган маскандир. Сўнгги вақтларда мактаб ва лицейлардан бутун бошли автобусларда 30-40 нафар ўқувчи музейга келади. Бу яхши, албатта. Аммо уларнинг



МУЗЕЙ-НИНГ ИЧКИ
ТАРТИБ-ҚОИДАЛА-
РИГА РИОЯ ҚИЛИНИШINI
ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШИ,
КЕРАК БЎЛСА, ТАРТИББУЗАР-
ЛАРНИ УМУМАН МУЗЕЙГА КИРИТ-
МАСЛИГИ ЛОЗИМ. БАЛКИ ШУНДА
ЁШЛАР МУҚАДДАС МАСКАНЛАР-
НИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ЎЗ-
ЛАРИ ҚИЛАЁТГАН ҲУРМАТ-
СИЗЛИК ҲАҚИДА ЎЙЛАБ
КЎРАРМИДИ?

орасида Ойбекни биладиган, унинг ижодига қизиқадиган ёшларни топиш қийин. Бу ҳам етмагандек, бирининг қўлида «хот-доғ», бошқаларида эса ичимликлар. Музей уларга «селфи» қилиш учун «фон» вазифасини бажаряпти, холос. Бир сафар қулоқсиз болалар таширидан сўнг, кўча бошида Ойбекнинг қаламини, яъни экспонатни икки бўлинган ҳолда топдик. Бунга нима дейсиз? Бу каби ҳолатлар киши дилини хира қилади.

Муносабат

Назаримда, музейларга, авваламбор, ота-оналар билан бирга борган маъқул. Болалар дам олиш кунлари театр ва музейларга олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, мактабларда саёҳатдан олдин устозлар музей ҳақида, у ерда ўқувчилар ўзларини қандай тутиши тўғрисида тушунча бериши керак. Музей ходимлари эса музейнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилинишини қатъий назорат қилиши, керак бўлса, тартиббузарларни умуман музейга киритмаслиги лозим. Балки шунда ёшлар муқаддас масканларнинг қадр-қиммати ва ўзлари қилаётган ҳурматсизлик ҳақида ўйлаб кўрармиди?

Бундан ташқари, музейларга боришдан олдин сўровномалар ўтказилса ва ҳақиқатан ҳам, қизиқиши бор ёшлар жалб қилинса, ҳар томонлама ўринли бўларди.

Унутмайлик, музей – маънавий маскан, муқаддас даргоҳ, у кўнгилочар жой эмас!

Машхура КЎШБОҚОВА,
ЎзЖОКУ талабаси



Мулоҳаза

ОЛМОСЛАРГА ТЎЛА ДАЛАЛАР

Уларни олис маконлардан
излашга ҳолат йўқ

Машҳур ёзувчи Жек Лондоннинг «Олмосларга тўла далалар» номли ҳикояси бор. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича: Африкада олмосларга бой ҳудудлар топилаётганини эшитган ёш фермер ўз фермасини сотиб, орзулари сари йўл олади. У бутун дунёни айланиб, бойлик излайди. Барча қитъаларни кезиб чиққунча, йиққан-терганларини тийинишга сарфлаб бўлади. Оқибатда, касалликка чалиниб, ниҳоятда руҳан эзилган фермер ўзини дарёга ташлайди ва ўлади.

Унинг фермасини сотиб олган киши бир куни сўвдан галати кўринишдаги тошни топиб олади. Тошни ювиб, уни камин ёнига қўяди. Унинг уйига олмосларнинг фарқида борадиган меҳмон келгунга қадар, бу тош ўша қўйилган жойда тураверади. Олмосларнинг фарқида борадиган меҳмон тошни диққат билан кузатгач, уни ўзи кўрган энг катта ва энг чиройли олмос эканини айтади. Мезбон эса, «Ҳақиқатан ҳам, шундайми? Меннинг еримда бундай тошлар жуда кўп!» дейди. Бу гаплар меҳмонни лол қолдиради...

Шу тариқа дунёдаги энг катта олмос қони қашф қилинган экан.

Этибор берилса, ферманинг аввалиги ҳўжайини ҳам катта бойликка эга бўлган, лекин у қандайдир маъму нарсанинг ортидан қувған. Оқибатда, аламзадаликда вафот этган.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, орзу ва мақсадлар қалити ўзга юртларда эмас, балки ўз юртимизда. Шундай экан, «олмосларга тўла далалар»ни ўзга юртлар, олис маконлардан излашга ҳолат йўқ.

Зеро, бундай далалар ўзимизда ҳам бор. Фақатгина астойдил меҳнат, излаш ва интилиш керак, холос.

Умид ХУДОЙКУЛОВ

Нуқтаи назар

БИР МИЛЛАТЛИ ИККИ ДАВЛАТ

Кореяларнинг бирлашишига қандай омиллар тўсқинлик қилмоқда?

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, 1945 йилнинг августидида Қизил армия Квантун армиясини енгади ва Корея ярим ороли Япония империясидан озод бўлади. Ўттиз миллионлик корейск халқи энди ҳур, эмин-эркин яшашига умид боғлайди.

Бу орада Совет иттифоқи ва АҚШ Корея ярим оролини иккига бўлиш тўғрисида келишувга эришадилар. Норасмий чегара деб қабул қилинган 38-параллелнинг шимолий ҳудуди Совет Иттифоқи ва жанубий қисми АҚШ назоратида ўтади. Америка ўша йилиёқ ҳарбий қўшини ярим оролга жойлайди.

1947 йилнинг 28 октябрида Қўшма Штатлар ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сиёсий қўмитаси Корея масаласи муҳокамасини бошлади. Давлат маслаҳатчиси Фостер Даллес бу масалани хал қилиш учун БМТнинг Корея бўйича Муваққат комиссиясини тузиш ва унинг назорати остида келаси йилнинг 31 март куни сайлов ўтказиш зарурлиги ҳақида гапириб, унинг Корея Миллий мажлиси (парламент) ва ҳукумати ташкил этишга йўл очиб беришини айтди.

Америка делегациясининг бу таклифи жиддий нозоратли келтириб чиқаради. Энг асосийси, қарши тарафқашлар АҚШ ҳарбий қўшинининг ярим оролдан зудлик билан олиб чиқиб кетилиши, шундан кейин мамлакатда демократик тамойиллардан фойдаланиши зарурати тўғрисида фикр билдиришади.

Совет делегацияси вакили Андрей Громико Корея тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб нафақат Бош ассамблеянинг, балки БМТнинг ҳам ваколатига кирмаслигини таъкидлаб, мазкур долзарб мавзу тегишли манфаатдор давлатлар томонидан хал этилишига урғу беради.

Унинг Бош ассамблеядаги муҳокамага Шимолий ва Жанубий Корея халқлари вакилларини даъват этиш таклифи америкаликларнинг қаршилигига учрайди. Даллес барча зиддиятли масалалар жойида – Кореяда кўриб чиқилиши тарафдори ва сайлов ўтказиш муқаррар эканини таъкидлайди.

Жанубий Корея аҳолиси Шимолниқидан кўп экани маълум. Шу сабаб Миллий мажлис тузилиши жараёнида жанубликлар устуниклига эришадилар ва келгусида ўз «ҳомий»ларининг чизган чизигидан чиқмаслигига қафолат бор. Қўшма Штатларнинг режасига кўра, парламент ва ҳукумат америкалик ҳарбийлар ва «қўлбола» БМТ комиссияси назоратида ўтиши сиёсий тадбирларнинг «хавфсизлигини» таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

БМТда мунозаралар қизиб турган бир пайтда Жанубий Кореяда демократик партиялар ва ташкилотларни таъкибга олиш, норози халққа қарши ҳужумлар бошланади. Шимолий Корея Ягона демократик миллий фронти Совет иттифоқи ва АҚШга мурожаат қилиб, бу хунрезлик-

ларни тўхтатишни талаб қилади.

Америка томони халққа сиёсий эркинликни қафолатловчи ер ислоҳоти, Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тўхтатиб қўяди.

Ана шундай вазиятда 1948 йилнинг 15 август куни жанубда Корея Республикаси ва 9 сентябрда ярим оролининг бошқа қисмида Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил этилгани эълон қилинади.

Икки мамлакат ўртасида кескинлик кучайиб турган бир пайтда, 1950 йилнинг январидида АҚШ ва Жанубий Корея ўртасида америкалик ҳарбий иттифоқчиларнинг фаолиятини кенгайтириш ва АҚШдан ҳарбий материалларни етказиб беришни кенгайтириш тўғрисида битим имзоланади.

Жанубнинг Қурулти кучлари 1949 йилнинг январь ва 1950 йилнинг апрель ойлари орасида 1270 марта Шимолга қурулти ҳужум уюштиргани кайд этилади.

1950 йил 25 июннинг субҳида Жануб Шимолга қарши кенг агрессия ҳаракатини бошлади, икки давлат уруши эълон қилинади.

АҚШнинг талаби билан БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилиши ўтказилади ва аввалдан тайёрлаб қўйилган «Шимолий Корея Жанубий Кореяга қарши биринчи бўлиб уруш очди», мазмунидаги резолюция қабул қилинади.

Сеулга етиб келган Давлат котиби Даллес 38-параллель районида бўлиб, вазият билан танишади ва пойтахтда парламент ҳузурида сузга чиқиб, АҚШ Жанубий Кореянинг КХДРга қарши урушини тўла қувватлайди, деб баёнот беради.

Қўшма Штатлар 1950 йил 7 июлда Жанубий Кореяга ёрдам кўрсатаётган БМТнинг барча аъзоларига мурожаат қилиб, амалий ҳаракатларини АҚШ бошчилигидаги қўмондонлик раҳбарлиги остида амалга ошириш талаб қилинган резолюцияни қабул қилиради.

Икки давлат ўртасидаги урушда Совет иттифоқи ва Хитой КХДР томонида, жанубликлар томонида АҚШ Қурулти кучлари бош бўлган 15 давлатдан иборат БМТ қўшини қатнашган. Зиддият давомида ҳалок бўлганлар сонига хануз аниқлик киритилмаган.

АҚШнинг мазкур урушдан манфаати нимада кўринадиди, деган савол туғилиши мумкин. Аввало, Узоқ Шарқ минтақасида ўз макъенини мустаҳкамлаш, қолаверса, унинг иқтисодиёти ўша паллада анча ғариблашган, халқ қашшоқлик гирдобида эди. Қўшма Штатлар ўша йиллари Кореяга қурул-аслаха етказиб бериб, ундан йилига 42 миллиард доллар даромад кўради. Солиштирилганда, Американинг 1939 йилдаги даромади 6,5 миллиард доллар атрофида бўлгани айтилади.

Уруш 1953 йилнинг 27 июлида КХДР ва БМТ ўр-

тасида ярашув тўғрисидаги битим билан ниҳоясига етади. Корея Республикаси ҳужжатни имзолашдан бош тортади.

Ҳар мамлакат Корея ярим оролида ўзини қонуний давлат ҳисоблайди ва иккаласи ҳам ўзаро бирлашишни муҳим миллий вазифалардан деб ҳисоблайди. Аммо бу эзгу мақсадларга қарамай, икки давлат ҳали-ҳануз уруш ҳолатида эканини таъкидлаш керак. Чунки Корея уруши якунида тинчлик шартномаси имзоланмайдиган, аксинча, ярашув битими билан қирғинбарот тўхтатилади.

50-йиллардан кейин ягона давлат яратиш йўлида талайгина сай-ҳаракатларга уналгани кўринади. 1972 йилнинг июлида Шимол ва Жануб давлатлари Қўшма баёнот имзолайди, унда бирлашувнинг ташкил кучлар иштирокисиз, мустақил равишда тинчлик йўли билан амалга ошириш зарурлиги таъкидланади. Пхеньян мамлакатларнинг бирлашувини «бир миллат, бир давлат – икки тизим, икки ҳукумат» тизими асосида конфедерация, яъни Корё конфедератив демократик республикаси тузиш тарафдори эканини маълум қилади.

Узоқ йиллик музокаралардан сўнг 1991 йилда КХДР ва КР ярашув, ўзаро ҳужум қилмаслик, ҳамкорлик тўғрисида битим қабул қиладилар. 1992 йилда Корея ярим оролида денуклеаризация, яъни ядро қўрилиши ва уни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришни қисқартириш тўғрисида Битимга эришадилар.

2000 йилга келиб, илк марта юқори даражада учрашув ўтказилади. Жанубий Корея Президенти 13-15 июнь кунлари Пхеньянда бўлади. Музокаралар чоғида икки давлат етакчилари

совуқ уруш давридан бери давом этиб келаётган зиддиятни тугатиш зарурати ва корейлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш тўғрисида баёнот берадилар.

Мазкур биринчи саммитдан кейин икки давлат ўртасида дипломатик фаоллик кузатилди. 2001-2006 йиллар орасида 161 марта турли даражада музокаралар ўтказилгани кайд қилинган. Шунга қарамадан, КХДР етакчиси Ким Чен Ир Сеулга жавоб ташрифини амалга оширмайди.

2007 йилда Пхеньянда ўтган иккинчи саммит ҳам муваффақиятли якунланади.

2008 йилда Ли Мен Бакнинг ҳокимиятга келиши билан муносабатлар кескинлашади. Ўзаро айбловлар, Сариқ денгизда артиллерия отишмалари юзасига келади. Музокаралар жараёни барҳам топади.

Шимолий Корея 2012 йилнинг декабрида ракета учиради, келаси йилнинг февралда эса учинчи ядро синовини ўтказида.

Кейинги йилларда можаро тўхташ ўрнига тобора авж ола бошлади, ядро синовлари давом этади.

Жанубий Корея президенти Мун Чжэ Ин даврида икки давлат муносабатларида илиқлик кузатилади. 2018 йилда етакчиларнинг учта саммити бўлиб ўтади.

Ўша йили Сингапурда АҚШ ва КХДР етакчиларининг тарихдаги илк учрашуви ташкил этилади. Музокаралар натижасида Дональд Трамп ва Ким Чен Ир имзолаган Қўшма баёнотда икки мамлакат ўртасида муносабатларни нормаллаштириш ҳақида гап кетади.

2019 йилнинг 27-28 февраль кунлари Ханое (Вьетнам)да АҚШ – КХДР иккинчи саммити муддатидан илгари тўхтаб, якуний баёнот имзоланмай қолиб кетади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, бир миллатли икки давлатнинг қарама-қаршилиги ҳали давом этиши кузатилади. Кореянинг бирлашишига икки мамлакат мафқуралари ҳамда олий мақсадга эришиш учун қарашларнинг турфалиги, КХДРнинг иқтисодий нозорлиги ва айнан Шимолий давлат раҳбариятининг бундай қалтис йўлнинг ижобий натижа олиб келишидан шубҳаланиши сабаб бўлмоқда...

Аброр ХОН



Абдусайд КҶЧИМОВ

Уйғоқ уй

Янги Ўзбекистонга нур сочайлик бирлашиб!



Бир хатар босаётир она сайёрамизни,
Тошқинлару тўзонлар, тўфонлардан ваҳмкор.
Дўппини ерга қўйиб, кўрмасак чорамизни,
Одам зотин маймунга айлантургай у баттол.
Гўрдан чиққан арвоҳмас. Тушган эмас осмондан,
Зоти ҳам инсу жинсмас, лекин... йўрга қадамдир.
Айтай десам тилим йўқ, айтмай десам, фалажман,
Машғум боло-қазонинг жисми, афсус, одамдир.
Одам...

Аммо одамнинг қай хилига мансуб у,
Манзил-макони қайда, қайда наслу насаби?
Ургочи шайтондан-да беандиша, тантиқ у,
Иблисга учрагандек чатнаб кетар асабинг.
Мажнун одамни кўрдик, қайда бормиш қор одам,
Темир одамлар билан давра қурдик бемалол.
Бу каслар қаршисида яратгучи Яздон ҳам
Қабонга дуч келандек ҳайронадир, эҳтимол.
Бири бесоқол, бирин қўйлаги бееқалик,
Бири илиб олгандир жанда-жунда жинсини.
Киндигига тушади бировининг соқоли,
Бошқаси ўзартирган жисминио жинсини.
Хотин хотинга хотин эрмиш, эркак – эркакка,
Бола-чақа, оила – баргихазон – бесамар.
Замин чаппа айланиб, ўт кетдимиз фалакка,
Алҳазар денг яхшилар, алҳазар денг, алҳазар!..
Жаҳолат йўлларига чоҳ қазайлик бирлашиб,
Кўнгилларга маърифат, маънавият улашиб.

Номига қаранг, гўё мусичаю беозор:
«Оммавий маданият»...

Сира йўқдай иллати.
Аждаҳодек ютмоқда аммо шу гаюр иллат,
Шайтанат саробиди саргашта райиятни.
Тоғлардан нари эди яқингача бу савдо,
Бугун сувилон каби кирмоқда ичимизга.
Кўкни қора булутдек тўсиб олгай сувайдо,
Қушдек хушёр турмасак эртаю кечимизда.
Лабларин дўрдайтириб, қоқоқларин кесанлар,
Чамандаги янтоқдай кўринмоқда гилжайиб.
Иштончада юрибди, наргайн занг босганлар,
Келин-қизи олдида беорларча тиржайиб.
Тирноқ – тикан, соч – чайла, шир яланоч, телбаҳол,
Ўзларини ҳезалак – ЛГБТ дермишлар.
Илкис хазина топган савдойидек бахтиёр,
Озодлик – бу, бу – бахт деб, ҳурлик гамин ермишлар.
Тош тегдимиз, азизлар, метин сўнгагимизга,
Ё чувалчанг, бақалар босдимиз йўлимизни?
Қанча тоқат қилгаймиз, сўниб – сўнмагимизга,
Наҳотки чап қўлимиз кесгай ўнг қўлимизни?
Очофат арилардек гофиллар, бепарволар
Қул бўлса интернетнинг қармоғига, тўрига.

Кўриб бундай риёни, Тоҳирлару Зухролар,
Отабек, Кумушойлар тик турмасми гўрида?..
Бир-биримиз асрайлик, бир-биримиз қўллашиб,
Юракларга маърифат, маънавият улашиб.

Поладан олдин чанг бу, деган ўйга борманг, йўқ!
Бир тошнинг қулашидан талқон бўлган тоғлар бор,
Буюк салтанатларни қулдон қилган битта чўғ,
Бир томчидан заминнинг юзида минг доғлар бор.
Кўзни очинг, мудраган таналарни уйғотинг,
Яъжуж-маъжуж мисоли қутурмоқда шум офат.
Беандиша касларнинг кўкрагига ўқ отинг,
Хиёнат-ку, ахир бу – келажакка хиёнат.
Жалолиддин ким учун қонлар тўкди жангларда,
Кимлар учун Улуғбек давот қилди осмонни.
Навоий ҳазратлари шомни улаб тонгларга
Кимлар учун яратди беш дoston – беш бўстонни?
Ҳеч ўйлаб кўрдингизми қари Очун сирларин:
Нечун ёлгончи бисёр, не боисдин чинчи йўқ.
Нега ювмоқ мушкулдир басир кўнгил кирларин,
Нега Давлатбошининг ҳаловати, тинчи йўқ?
Ахир, икки Ренессанс қурганларга фарзандмиз,
Мағрибдан Машиққача ҳилтираган туғимиз.
Бугун жўшқин уммондек туйғуларга ҳамдаммиз,
Чақмоқдек чақнаётир юракдаги чўғимиз.
Ибо, ҳаё, садоқат момолардан қолган тож,
Илдизимиз сув ичган Зардушт булоқларидан.
«Ушишқ», «Муножат»у «Гиря»ларга кучоқ оч,
Бегами уйғотайлик тортиб қулоқларидан.
Дерлар, отлар тишлашиб, ит топишгай искашиб,
Ўғри, каззоб, қаллоблар ёқалашиб, муштлашиб;
Урчиётир манқуртлар ёввойи подалардек,
Бир-бирига суйкалиб, илакишиб, илашиб.
Гуллар экдик яна бир Ўйвониш саройига,
Қаршимизда сафланмиш ўрлар, қирлар, довлонлар.
Қутқармасак ноқисни кир ва ирқит лойидан,
Довонларни қай тарзда забт этгаймиз, ёронлар?
Бас-е!
Энди томоша қиладиган замон, бас!
Томирдаги дарёлар ол қонларга айлансин.
Кимки бегам – оломон, биз эмас, биз томонмас,
Ол қонлар оловланиб, исёнларга айлансин!
Карвонимиз йўлдадир, сарбонимиз ўтюрак,
Тарих муҳрлаётир энг халқона дostonни.
Ушалмоқда бирма-бир минг йиллик армон, тилак –
Ўзбегим қураётир Янги Ўзбекистонни!
Янги Ўзбекистонга нур сочайлик бирлашиб,
Кўнгилларга маърифат, маънавият улашиб.

12.05.2024 й.

Тошкент
шаҳри

ЁШЛАР УЧУН иш ўринлари

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида талабалар, устозлар,
турли идора ва ташкилотлар вакиллари жам бўлган «Карьера
куни» муносабати билан ўтказилган учрашувда 50 га яқин давлат
ва нодавлат ташкилот бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Хусусан, Дин ишлари бўйи-
ча кўмита, Ислам цивилизация-
си маркази, Имом Бухорий но-
мидаги Тошкент ислом инсти-
туту, «Кўкалдош» ўрта махсус
ислом билим юрти, Ҳадис илми
мактаби, Ўзбекистон Фанлар
академияси Абу Райхон Беру-
ний номидаги Шарқшунослик
институту, Ўзбекистон Фан-
лар академияси Тарих инсти-
туту, Имом Мотуридий номи-
даги халқаро илмий-тадқиқот

маркази, Ўзбекистон Миллий
архиви, Янги аср университети
ва бошқа кўплаб ташкилотлар
вакиллари талабаларга иш ша-
роитлари, кадрларга қўйилади-
ган талаблар ва бўш иш ўрин-
лари ҳақида маълумотлар бе-
ришди.

Маълумотларга кўра, 2023-
2024 ўқув йилида олийгоҳни 286
нафар талаба бакалаврият, 81
нафар йигит-қиз эса магистрату-
ра босқичини тамомлайди.



Ҳамкор ташкилотлар кўлами
йил сайин ошиб бормоқда. Хо-
зирги кунга келиб, Академия ва
ташкилотлар ўртасида 130 дан
ортиқ ҳамкорлик бўйича мемо-
рандум ва шартномалар имзо-
ланган. Талабалар республи-
кадаги барча таълим муассаса-
лари, ташкилот ва идораларда

амалиёт олиб боришади.

Расмий маросимлардан сўнг,
иш бевуричлар ишга танлов
юзасидан битирувчилар билан
суҳбатлашибди. Талабалар бир
қатор ташкилотлар билан шарт-
номалар имзолашди.

Гулёуз ФАХРИДДИНОВА

Карьера кун

Фарғона
вилояти

Мусобақа

КУТИЛГАНИДАН-ДА ҚИЗИҚАРЛИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Данғара тумани кенгаши томонидан «Беш
ташаббус олимпиадаси» доирасида таълим
муассасалари ходимлари ўртасида «Соғлом
танда – сифатли таълим» шиори остида Ка-
саба уюшмалари кубоги спорт мусобақаси-
нинг туман босқичи ўтказилди.

Иштирокчилар спортнинг шахмат-
шашка, стол теннис, волейбол ва футбол
турлари бўйича беллашдилар.

– Мусобақа кутилганидан-да қизиқарли
ўтди. Шахмат мусобақасида ғолиб бўлдим, –
дейди Данғара тумани 22-мактаб жисмоний
тарбия ўқитувчиси Абдурашид Маматов.
Биринчи ўринни эгаллаган иштирокчи-
лар вилоят босқичида ҳамкасблари билан
куч синашишни нақд қилиб қўйдилар.

Мирзажон ҚУРБОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси Данғара тумани кенгаши раиси

Жиззах
вилояти

КУБОК УЧУН КУРАШИШДИ



Мирзаҷўл тумани умумий ўрта таълим
мактаблари педагог-ҳодимлари ўртасида
«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида
«Соғлом танда – сифатли таълим» шиори
остида Касаба уюшмалари кубоги учун
спорт мусобақаларининг туман босқичи бў-
либ ўтди.

Мусобақаларда 84 нафар ходим ғолиблик
учун қизгин ва мурасасиз кураш олиб борди-
лар. Яқунда ғолибларга эсдалик совғалари
топширилди.

Мурод БЕККУЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси Мирзаҷўл тумани кенгаши раиси

Тошкент
шаҳри

Ички туризм

БУХОРОГА САЁҲАТ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюш-
маси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси
билан Oriental университетининг профес-
сор-ўқитувчилари ҳамда ишчи-ҳодимлари
ички туризм доирасида Бухоро вилоятида
бўлишди.

Икки кунлик сафар мобайнида саёҳатчи-
лар Бухоронинг диққатга сазовор жойлари
ва тарихий обидалари билан яқиндан таниш-
дилар.

Амир АҲМЕДОВ

МУАССИС:



2007-yil
11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida 116-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalar
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehrididdin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan EMHATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston
Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 080-93-38
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
J. Nahanov

Musahhihlar:

U. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:20
Topshirildi – 01:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 131 ta

Shundan:

7396 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi –
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;

19 249 nusxasi
«Erudit» MCHJ
bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda
chop etildi.

8486 nusxasi
«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabloq.
Buyurtma 266

1 2 3 4 5 6